



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I**

2021 года «18» ноября

98-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

### **Тошкент шаҳрида жойлашган барча маъмурий бинолар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектларни хатловдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 13 ноябрдаги 02-3281-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 ноябрдаги 02/1-2788-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида,

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 13 ноябрдаги 02-3281-сонли топшириғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрида жойлашган давлат муассасалари ва ташкилотлари тасарруфидаги бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ ва туман ишчи гуруҳлари намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар ва туман ишчи гуруҳлари:

2021 йил 15–24 ноябрь кунлари Тошкент шаҳри туманларидаги давлат муассасалари ва ташкилотлари тасарруфидаги барча маъмурий бинолар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар хатловдан ўтказилсин ва улар бўйича мазкур топшириқ асосида тасдиқланган намунавий иловаларга мувофиқ маълумот ва таклифларни 2021 йил 24 ноябрь кунига қадар Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи:

туманлар кесимида хатловдан ўтказилган ва намунавий иловаларга мувофиқ маълумот ва таклифларни умумлаштирган ҳолда 2021 йил 25–28 ноябрь кунлари ҳисобот ва тақдимотларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи, туман ҳокимликлари, тегишли бош бошқарма ва бошқарма, ташкилот раҳбарлари белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши учун шахсий масъулият юклатилганлиги инобатга олинсин.

6. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

**Toshkent shahar hokimi**



**ARTIKXODJAYEV J. A.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
2021 йил 18 ноябрдаги  
98-14-0-F/21-сон фармойишига  
1-илова

**Тошкент шаҳрида жойлашган давлат муассасалари ва ташкилотлари  
тасарруфидаги бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш ҳолатини  
ўрганиш бўйича Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи таркиби**

- Х.Шакиров - Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари,  
***Ишчи гуруҳ раҳбари***
- Ў.Тўраев - Қурилиш вазири ўринбосари, ***Ишчи гуруҳ раҳбари***  
***ўринбосари***
- Лавозимига кўра* - Ҳисоб палатасининг масъул ходими, ***Ишчи гуруҳ***  
***ўринбосари***
- Р.Аминов - Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент  
шаҳар ҳудудий бошқармаси
- Ж.Арашов - Тошкент шаҳар Қурилиш бошқармаси
- Б.Ташходжаев - Тошкент шаҳар Кадастр бошқармаси
- Л.Исматуллаев - Тошкент шаҳар Молия бошқармаси
- Ғ.Исмаилходжаев - Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш бошқармаси
- Ю.Насимджанов - Тошкент давлат солиқ бошқармаси
- М.Абдурахманов - Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни  
бошқариш маркази” ДУК
- С.Арипов - Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни  
ташkil этиш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий  
бошқармаси, ***Ишчи гуруҳ котиби***

*Изоҳ: Заруратга кўра бошқа давлат органлари вакиллари ишчи гуруҳ фаолиятига жалб этилиши мумкин.*

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
2021 йил 18 ноябрдаги  
98-14-0-F/21-сон фармойишига  
2-илова

**Тошкент шаҳрида жойлашган давлат муассасалари ва ташкилотлари тасарруфидаги бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳларининг намунавий таркиби**

Туман ҳокими – *Ишчи гуруҳ раҳбари*

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким биринчи ўринбосари – *Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш Маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси масъул ходими – *Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*

Туман қурилиш бўлими бошлиғи

Туман кадастр бўлими бошлиғи

Туман молия бўлими бошлиғи

Туман давлат солиқ инспекцияси

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи – *Ишчи гуруҳ котиби*

*Изоҳ: Давлат кўчмас мулк объекти балансда сақловчиси ва заруратга кўра бошқа давлат органлари вакиллари ишчи гуруҳ фаолиятига жалб этилади.*